

Германия масжидларида очиқ эшиклар куни бўлди



14:34 / 08.10.2018 2289

Ҳар йили ўтказиладиган очиқ эшиклар куни доирасида ўтган ҳафтада турли дин вакиллари Германия бўйлаб 900 та масжидга ташриф буюрдилар, – деб хабар беради Al Waba. «Бу юз мингдан ортиқ меҳмонга Ислом дини ҳақида кўпроқ билим олиш, кенгроқ тасаввурга эга бўлиш ва мусулмонлар билан суҳбатлашиш имконини беради», – дейди Германия Мусулмонлар мувофиқлаштириш кенгаши вакили Бурхан Кесичи.

Ташриф асносида минглаб немислар яқинда Кёльнда очилган янги жоме масжидини ҳам томоша қилишди.

Эслатиб ўтамиз, Германияда ҳар йили ўтказиладиган очиқ эшиклар кунида қарийб 900 та масжид иштирок этади.

